

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙГУСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Е.К.Оразымбетов –стажёр тадқиқотчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: глобаллашув, халқ педагогикаси, тарихий анъана, маданият, урф-одатлар, инсонпарварлик, Ватанпарварлик.

Ключевые слова: глобализация, воспитание молодёжи, народная педагогика, исторические традиции, культура, обычаи, гуманизм, патриотизм.

Key words: globalization, youth education, folk pedagogy, historical traditions, culture, customs, humanism, patriotism.

Инсоният XXI асрда бошқа даврларга қараганда кескин фарқ қиладиган воқеаларни бошдан кечирмокда. Бугунги кун олимлари шиддат билан «ахборот технологиялари» ривожланаётган ва бекиёс даражада тезлашиб бораётган бу даврни «Глобаллашув жараёнлари» деб аташмокда. Илм-фан ютуқлари тезлик билан илгарилаб бораётган давр ўзининг ижобий томонлари билан бирга салбий томонларини ҳам кўрсатмокда.

Глобаллашув объектив жараён бўлиб бутун дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқадорлик ва ўзаро ҳамкорликнинг кенгайиб бориши натижасида пайдо бўлган, янги халқаро ташкилотлар ҳамда улар фаолиятининг тараққий этиб бориши натижасида вужудга келган халқаро ҳамжамиятнинг пайдо бўлишидир.

Глобаллашув тушунчасини кенг маънода олсак бу миллий ва ҳудудий муаммоларни бутун жаҳон миқёсидаги янги ижтимоий-иқтисодий ва табиий биологик муҳитга таъсир этиб бориши ҳисобланади. Тор маънода эса, иқтисодий тизимининг ўзгариши оқибатида ягона умумдунё геоиқтисодий жараёнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Глобаллашув ҳозирги даврда инсон ва давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларига жумладан, ишлаб чиқариш, экспорт, иқтисод, ҳаттоки, маънавият ва маданият соҳаларига ҳам кириб келди. Бунинг натижасида ёшларда маънавий қашшоқлик юзага келмокда.

Айрим ёшлар ўз тарихий анъана ва бой маданий урф-одатларини ўрганиш ўрнига бошқа давлатларнинг урф-одатлари ва маданиятларига қизиқиб, уларнинг енгил елпи ҳаётларини орзу қилмокдалар. Қайсидир маънода ёшлар европаликларнинг маданий ҳаётларини ўрганиш орқали уларга яқинлашиб бормокдалар. Ҳаттоки, улар ўша юртларга нима қилиб бўлсада кетиш ҳаракатларини қилмокдалар.

Бундан фойдаланган сиёсатшунослар глобаллашув даврига хос бўлган ўз фойдалари учун турли хил ёт бегона ғояларни ўйлаб топмокдалар. Бу ғоялар сирдан қараганда инсонлар учун фойдалидек туюлсада аслида уларда яширин бир ғоя мавжуд. Шундай ғоялардан бири Космополитизм ибораси билан аталган ғоядир. Космополитизм (*юнонча. космополитес-дунё фуқароси*) - дунё фуқаролигини даъво қилиш, шу билан бирга давлат суверенитетини рад этиш, қолаверса, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган ғоя ҳисобланади. Қайсидир маънода космополитларнинг илгари сурган ғояси инсон учун қарда яхши бўлса, ўша жой Ватан деган ғоя келиб чиқади. Бу эса инсонларда нотўғри дунёқарашни шакллантирмокда. Яъни улар тирикчилик қилиш мақсадида, қарда яшашни яхши ҳисобласалар ўша юртларга кетиб қолмокдалар. Бойлик кетидан қувиш оқибатида она ватанга бўлган муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини унутиб қўймокдалар, бунинг оқибатида уларда ватанпарварлик туйғулари сўниб бормокда.

Сир эмас фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг барчаси ҳам доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айрим халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда улар икtidорли ёшларни танлашда ҳокимиятга ёрдам беради, бироқ бунда улар, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашди. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади,

уларда турли тадбирлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тарика ўзларини “Дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади. Бундай ғоялар қандай мақсад ва воситалар билан тарғиб қилинмасин, инсон учун энг азиз ва қадрли бўлган ватан туйғусига раҳна солишни кўзда тутлади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини халқ педагогикасининг анъаналари асосида тарбиявий мазмунини тақомиллаштириш ғоят зарурдир.

“Ватанпарварлик ғояларини сингдириш авваламбор, оиладан бошланади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради” [1].

Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, абайлаш ва янада тақомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак [2].

Халқимизнинг маънавиятида миллатимиз ўтмиши, тарихи ва ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Аждодларимиз ёш авлод тарбиясига, уларнинг баркамол бўлиб шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келди. Шунинг учун ҳам жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш умумхалқлик шарофли вазифа даражасига кўтарилди. Ана шундай вазифани ҳаётга тадбиқ қилишда халқ педагогикасининг ўрни алоҳида. Қорақалпоқ халқ педагогикаси кичкиналар учун ҳам, катталар учун ҳам тарбиянинг, қайта тарбиялаш билан ўз-ўзини тарбиялашнинг хос тенги йўқ амалий тарбия мактаби бўлди. У дунёга энди келган чақолақларни ҳам ҳар томонлама камолга келтиришда йўл кўрсатувчи амалий педагогик қўлланма бўлиб хизмат қилади [3].

Ҳақиқатдан ҳам, халқ педагогикасида ёшларни ҳар томонлама соғлом камолга келтиришнинг энг ажойиб, ҳайратомуз намуналари мавжуд. Илм ўргатиш, касбга йўналтириш, ақл, ахлоқ, ҳуқуқ, меҳнат, тежамкорлик, гўзаллик, инсонийлик, жисмоний, ҳарбий ва ватанпарварлик тарбия бўйича бебаҳо тажрибалари тўпланган. Халқимиз тарихи, маданияти, оғзаки адабиёти, миллий дастурлари, анъаналари, байрам сайиллари, миллий ўйинлари, саънати ва бошқалар таълим-тарбия тизимида қудратли тарбия курули вазифасини бажаради.

Ота-боболаримиз фарзандларини ёш даврдан киндик қони томган Она ватанини севишга, туғилган ерини асрашга, ҳалол меҳнат қилишга, ота-оналарни, ёши улугларни ҳурмат қилишга, кичикларга меҳрибон бўлишга тарбиялаб, уларда «Мард йигит эл учун туғилади, эли учун ўлади», «Бошқа элда султон бўлганча, ўз элинда ултон бўл», «Эл қадрини мард билар» деб ватанпарварлик ғояларини шакллантирган.

Ҳадиси шарифда ҳам «Ватанни севмок иймондандур», «Ота маконим», «Ота юртим», «Киндик қоним томган макон», каби тарихий тушинчалар ҳаётда

ўз ўрнини эгаллаб, аҳамиятини тикламакда. Бироқ Ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўлиш учун уни севишинг, қадиришинг ва шу билан мактабнинг ўзи етмайди. Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон унинг иқтисодий, маънавий бойликларини авайлаб-асраши, янада кўпайтириши, Ватан қудратини мустаҳкамлаш, унинг халқлар орасида обрў-этиборини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшиши даркор [4].

Ватан одамнинг фақри, суянчи, она каби паноҳидир. Шу туфайли биз уни онага таққослаб, Она-Ватан деймиз ва у бизга она каби азиздир.

Қадимги заман донишманди Цицерон «Меҳр-муҳаббат тўғрисидаги барча тушунчаларимиз «Ватан» деган битта сўзга бириккан» деса, буюк шоир Шиллер «Ватандан сеvimли ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас» деб Ватаннинг буюклигини улуғлайди. Таникли Венгер шоири Ш.Бетефи «Умр мен учун баридан қиммат, муҳаббат умрдан ҳам қиммат, лекин юртнинг эркинлиги ва озодлиги учун иккисини қурбон этишга тайёр тураман» [5] – деб айтган фикри Ватаннинг жуда муқаддас эканлигини тасдиқлайди.

Ватанпарварлик туйғусини болаликдан синдириб бориш лозим. Бунинг учун эса халқимиз ўтмишига назар солиб, инсон қалбида ватанпарварлик туйғуларини мужассам қилувчи халқимизнинг «Широк» ҳақидаги ривоятини мисол этсак бўлади. Душман сарҳадлардан ўтиб келаётган бир пайтда Широк кулоқ ва бурнини кесган ҳолда бир неча минглаб ёв қўшинларини ўз ҳийласига ишонтириб муқаррар ўлим сари сахро томон бошлаб кетади. Босқинчилар Широкнинг мақсадини англаб етганида эса аллақачон кеч бўлган эди. Шунда бу чексиз сахродан эсон-омон кутулиб чиқиб кетиш учун унинг жонини омон қолдириб, озодлик, бойлик таклиф этишади, аммо Широк: “Жонимни олсанг ол, ватанимни ёвга сотишдан кўра ўлганим яхши” деган эди. Улар Широкнинг жонини олишади, аммо унинг Ватанга садоқатлик туйғусини ўлдиролмади.

Ватан озодлиги, юрт ободлиги йўлида оддийгина бир чўпоннинг шу қадар жасорати, душманларни ҳам ҳайратга солади.

Тарихнинг ўзи гувоҳлик беришича халқимиз қадим-қадимдан чет эл босқинларининг ҳужумларига қарши курашиб келган. Бундай жангларда Спитамен, Широк, Тўмарис, Жалолiddин Мангуберди, Маман бий, Айдос бий, Ерназар бий (Алақўз) каби ботирлар босқинчи душманларга қарши курашиб, мардлик намуналарини кўрсатиб, Ватан озодлиги, халқ тинчлиги йўлида жонларини фидо қилишган.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишда муҳим илдиз вазифасини бажаради. Тарихий анъана ва бой маданий-

маънавий кадриятлар асосида тарбияланган инсонларда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишда, биринчидан, халқимизнинг тарихини мукамал ўрганиш, иккинчидан, халқимизнинг шон-шарафли ўтмиши, кадриятлари, ахлоқ-одоб ва фазилатларини билиш; учинчидан, Ватан равнаки учун фаол бўлишга ундайдиган маънавий тadbирларни ташкил этиш; тўртинчидан, ватанпарварликка ундовчи кинофильмлар ва мультфильмлар яратиш ва қадимда яшаб ўтган буюк шахсларни, ватан учун жонини фидо қилган инсонларни тарғиб қилиш зарур ҳисобланади.

Чунки ўтмишда яшаб ўтган халқимизнинг буюк фарзандларида ватанпарварлик туйғуси, она ватанга бўлган муҳаббатиси кучли ва бекиёсдир. Улар қандай шароитда бўлмасин ўз туғилиб ўсган ватанини севган ва уни кўз-қорачигидек асраган. Шу сабабдан, «Кирккўз», «Алпомиш», «Қоблан» сингари достонларда ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қахрамонлик намуналарини кўрсатган халқимиз фидойи фарзандлари ҳақида хикоя қилинган. Ана шу асарлардаги Ватанпарварлик ҳақидаги нафакат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга ҳам эга булган фалсафий гоялар, миллий истиклол мафкураси учун тағ замин, асос булиб хизмат қилиш имкони бор. Умуман, достонлар, халқ огзаки ижодининг йирик тури булиб, уларда халқнинг истак ва интилишлари, маънавий, маърифий ва маиший турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, ахлокий-тарбиявий, сиёсий-ҳукукий, иқтисодий ва эстетик қарашлари узифодасини топади. Адолат, ҳаққоният, тенглик, озодлик, ва хур фикрлилик, ботирлик, мардлик, халқни, Ватанни севиш, химоя қилишдаги жасорат ва қахрамонликларни инсоннинг ахлоқ-одобга доир юксак фазилатлари деб улуғланади ва шу ибратли тарғиботи орқали ёшлар шахсини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган бешта муҳим ташаббус юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқарашга эга бўлган ёшларни турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш; ёшларни ижтимоий химоя қилиш, касб-хунар эгаллашга, тadbиркорликка жалб қилиш каби амалий ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзига эришишга жалб этиш; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ қатор муҳим вазибалар белгилаб берилдики, бу ўз навбатида бизнинг халқ педагогикаси негизида ёшларни ватанпарварлик туйғусида тарбиялашга аҳамият қаратишимиз муҳимлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Назаров Қ. ва бошқ(муаллифлар жамоаси). Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Т.: 2007, 109-б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 жилд. Т., 1996 й. (юксак маънавият - келажак пойдевори)
3. Қарақалпақ этнопедагогикаси. Муаллифлар жамоаси. (академик Ж.Базарбаев раҳбар). -Н.: «Билим», 2010, 3-б.
4. Насрхужаев Ш., Лафасов М., Зарипов М. Маънавият асослари. -Т.: 2006, 233-б.
5. Руўхыйлық тийкарлары./ академик Ж.Базарбаев илмий раҳбарлигида. -Н.: 2009, 140-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада глобаллашув жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий ва табиий биологик муҳитга таъсири, оқибати ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири, халқимизнинг маънавияти, ўтмиши ва тарихи акс этган халқ педагогикасининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти, унинг инсонни ҳар томонлама камолга келтиришда йўл кўрсатувчи тенги йўқ амалий тарбия мактаби эканлиги, унда ёшларга илм ўргатиш, касбга йўналтириш, ақл, ахлоқ, ҳуқуқ, меҳнат, тежамкорлик, гўзаллик, инсонийлик, жисмоний ва ватанпарварликка тарбиялаш бўйича бебаҳо тажрибалари тўпланганлиги тўғрисида фикрлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даются мнения о влиянии глобализации на социально - экономическую и природно - биологическую среду, её влияние на воспитание молодёжи, значение народной педагогики в патриотическом воспитании нашего народа, его беспримерная школа практического образования. Накоплен бесценный опыт в обучении молодёжи в сферах образования, профориентации, интеллекта, этики, права, труда, экономики, красоты, гуманизма, физического и патриотического воспитания.

SUMMARY

The article gives opinions on the impact of globalization on the socio-economic and natural-biological environment, its impact on youth education, the importance of public education in the patriotic education of our people, its unparalleled school of practical educa-